

**“ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ” МИЛЛИЙ  
ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР  
БЕРУВЧИ DSC.03/30.12.2019.Т.10.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ  
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**“ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ” МИЛЛИЙ  
ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЖЎРАЕВ ДОНИЁР ПАХРИДИН ЎҒЛИ**

**ГРУНТЛИ ТЎҒОНЛАРНИНГ ФАЗОВИЙ КУЧЛАНГАНЛИК  
ҲОЛАТЛАРИ ВА ДИНАМИК ТАВСИФЛАРИНИ БАҲОЛАШ**

05.09.06 – Гидротехника ва мелиорация қурилиши,  
01.02.04 – Деформацияланувчан қаттиқ жисм механикаси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент–2022

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора  
философии (PhD) по техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of  
philosophy (PhD) on technical sciences**

**Жўраев Дониёр Пахридин ўғли**

Грунтли тўфонларнинг фазовий кучланганлик ҳолатлари ва динамик тавсифларини баҳолаш ..... 3

**Жураев Дониёр Пахридин угли**

Оценка пространственного напряженного состояния и динамических характеристик грунтовых плотин ..... 25

**Juraev Doniyor Pakhridin ugli**

Assessment of spatial stress state and dynamic characteristics of earth dams 45

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 48

**“ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ” МИЛЛИЙ  
ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР  
БЕРУВЧИ DSC.03/30.12.2019.Т.10.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ  
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**“ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ” МИЛЛИЙ  
ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЖЎРАЕВ ДОНИЁР ПАХРИДИН ЎҒЛИ**

**ГРУНТЛИ ТЎҒОНЛАРНИНГ ФАЗОВИЙ КУЧЛАНГАНЛИК  
ҲОЛАТЛАРИ ВА ДИНАМИК ТАВСИФЛАРИНИ БАҲОЛАШ**

05.09.06 – Гидротехника ва мелиорация қурилиши,  
01.02.04 – Деформацияланувчан қаттиқ жисм механикаси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент–2022**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.4.PhD/Т3006 рақам билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” Миллий тадқиқот университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tiame.uz](http://www.tiame.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбарлар:**

**Мирсаидов Мирзиёд Мирсаидович**  
ЎзР ФА академиги, техника фанлари доктори,  
профессор

**Султанов Тахиржон Закирович**  
техника фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Янгиев Асрор Абдихамидович**  
техника фанлари доктори, профессор

**Сафаров Исмоил Иброхимович**  
физика-математика фанлари доктори, профессор

**Етақчи ташкилот:**

**Тошкент архитектура-қурилиш институти**

Диссертация ҳимояси “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” Миллий тадқиқот университети ҳузуридаги DSc. 03/30.12.2019..Т.10.02 рақамли илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгашнинг 2022 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100000, Тошкент, Қори-Ниёзий кўчаси, 39-уй. Тел./факс: тел.:(99871) 237-22-67, факс: (99871)237-54-79, e-mail: [admin@tiame.uz](mailto:admin@tiame.uz))

Диссертация билан “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” Миллий тадқиқот университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ( \_\_\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент, Қори-Ниёзий кўчаси, 39-уй. Тел./факс: тел.:(99871) 237-19-45, e-mail: [admin@tiame.uz](mailto:admin@tiame.uz)

Диссертация автореферати 2022 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ да тарқатилди.

(2022 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги № \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси)

**А.Т.Салоҳиддинов**

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

**Ф.А.Гаппаров**

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.д.

**М.Р.Бакиев**

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

## **Кириш (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.** Жаҳонда сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш мақсадида кўплаб сув омборлари бунёд этилган бўлиб, сув омборларнинг грунтли тўғонларини кучланганлик-деформацияланиш ҳолатлари, мустаҳкамлиги ва устуворлигини таъминлаш, самарали муҳандислик ечимларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор берилмоқда. Ҳозирги кунда ривожланган мамлакатларда грунтли тўғонларнинг мустаҳкамликка ва зилзилабардошликка чидамлилигини баҳолашнинг такомиллашган усулларини амалиётга жорий этиш зарурияти белгиланган. Бу борада, грунтли тўғонларни моделлаштириш жараёнида мажбурий ва асоссиз соддалаштиришларга (текис моделга) мурожаат этмасдан, ҳақиқий кучланганлик-деформацияланиш ҳолатлари ва мустаҳкамлигини баҳолаш бўйича ҳисоблаш модели ва усулларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жаҳонда грунтли тўғонлар курилишида ишлатиладиган грунтларнинг физик-механик хоссаларини таҳлил қилиш, грунтли тўғонларнинг кучланганлик-деформацияланиш ҳолатлари ва мустаҳкамлигини баҳолаш учун хусусий оғирлик, сув омборидаги сувнинг тўғонга кўрсатадиган гидростатик босимини ҳисобга олувчи математик моделларини ишлаб чиқишга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада, грунтли тўғонларни лойиҳалаш ва ишлаш шароитларини ҳисобга олган ҳолда кучланганлик-деформацияланиш ҳолатлари ва мустаҳкамлигини ҳисоблаш усулларини такомиллаштириш бўйича тадқиқот ишларини ўтказишга алоҳида эътибор берилмоқда. Шу муносабат билан грунтли тўғонларнинг мустаҳкамлиги ва зилзилабардошлигини баҳолаш усулларини такомиллаштиришга қаратилган тадқиқотларни ўтказиш, жумладан грунтли тўғонларни лойиҳалашда уларнинг фазовий кучланганлик-деформацияланиш ҳолати ва мустаҳкамлигини олдиндан аниқлаш усуллари долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Республикамызда грунтли тўғонларни барпо этишда уларнинг кучланганлик-деформация ҳолатини баҳолаш, грунтли тўғонларнинг мустаҳкамлиги ва зилзилабардошлигини ошириш, сув омборидаги сувнинг грунтли тўғонларга гидростатик босими ва динамик таъсирида тўғонларнинг деформациясини аниқлашнинг янги услубларини ишлаб чиқиш бўйича кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилиб, муайян натижаларга эришилган. Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини 2020-2030 йилларда ривожлантириш концепциясида “...сув ва сел-сув омборлари ва бошқа сув объектларини хавфсиз ҳамда ишончли ишлашини таъминлаш”<sup>1</sup> бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда, жумладан, сув омборлари ва улардаги грунтли тўғонларнинг конструктив бир жинссизлиги, реал геометрияси ва сув омборидаги сувнинг гидростатик

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 июлдаги ПФ-6024-сон «Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини 2020-2030 йилларда ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармони.

босимини инобатга олган ҳолда уларнинг мустаҳкамлиги ва ишончлилигини баҳолаш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 20 августдаги “Гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги тўғрисида”ги, Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 13 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ва ҳудудининг сейсмик хавфсизлигини таъминлаш тўғрисида”ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 30 майдаги “Ўзбекистон Республикасининг сейсмик хавфсизлигини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-144 сонли фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ва ҳудудининг сейсмик хавфсизлигини таъминлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4794 сонли қарори, ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV. “Математика, механика ва информатика” ва VIII. “Ер фанлари (Геология, геофизика, сейсмология ва минерал хом ашёларни қайта ишлаш)” устувор йўналишлари доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ҳозирли кунда грунтли тўғонларнинг кучланганлик-деформацияланиш ҳолатларини, мустаҳкамлиги ва ишончлилигини баҳолашга бағишланган илмий муаммолар бўйича М.М.Мирсаидов, К.С.Султанов, М.Р.Бакиев, Б.М. Мардонов, Б.Э.Хусанов, К.Д. Салямова, А.А.Янгиев, П.Ж.Маткаримов, Т.З.Султанов, Н.Д.Красников, Ю.К.Зарецкий, И.Н.Ивашченко, В.М.Ляхтер, Я.И.Натариус, В.М.Сеймов, Б.Н.Островер, Е.И.Ермоленко, V.A.Bratov, A.V.Plyashenko, Я.М.Айзенберг, Д.В.Мишин, Sh.Shayan, A.T.Carla, C.Deaf, Jiancheng Cai ва бошқа кўплаб олимлар томонидан илмий изланишлар олиб борилган ва ижобий натижаларга эришилган.

Грунтли тўғонларнинг ЭҲМ дастурлари ёрдамида кучланганлик-деформация ҳолатларини, мустаҳкамлиги ва ишончлилигини баҳолашга доир илмий ишлар М.М.Мирсаидов, К.С.Султанов, Б.Э.Хусанов, А.С.Хасанов, Н.А.Цытович, Д.В.Мишин, Х.А.Рахматулин, В.М.Ляхов, И.А.Константинов, В.Н.Ломбардо, М.Аҳмад, Р.Мостафа, K.Arman, Sh.Mohammad, T.Kargari, S.Fazlollah, Ш.Шаян, С.Фазлоллаҳ, T.D.Smith, R.Slyz, C.Francesco, L.Pelecanos, Y.Parish, A.Behrouz, A.Masoud, M.Sadek, R.M.Ahmad, Z.R.Mostafa, B.Behrang, I.Shahrour ва қатор тадқиқотчиларнинг ишларида ёритилган.

Олиб борилган илмий тадқиқотлар ва уларнинг таҳлили ҳозирги кунда грунтли тўғонларнинг кучланганлик-деформацияланиш ҳолатлари ҳамда мустаҳкамлигини баҳолашнинг илмий асосланган усулларини ишлаб чиқиш каби масалалар етарли даражада ўрганилмаган.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий ишлари режаси билан боғлиқлиги.**

Диссертация иши “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” Миллий тадқиқот университетининг илмий-тадқиқот режаси ва № ФЗ-20200929327- “Грунтнинг намланганлик ва чизиқсиз фильтрацияни ҳисобга олган ҳолда грунтли тўғонларнинг мустаҳкамлик ва ишончилигини баҳолаш назарияси ва усулини ишлаб чиқиш” (2021-2026) ва ЎзР Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Сейсмология, иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлигини ва сейсмик хавфсизликни таъминлаш соҳасини қўллаб – қувватлаш жамғармаси томонидан молиялаштирилган №29/2022-«Грунтли тўғонларнинг зилзилабардошлигини тўғон танаси бўйича тарқаладиган нотурғун фильтрация жараёнини ҳисобга олган ҳолда баҳолаш» (2022-2023) мавзуларидаги грантлар асосида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади:** Грунтли тўғонларнинг кучланганлик деформация ҳолатлари ва динамик тавсифларини баҳолаш учун фазовий ҳисоблаш моделини танлаш, тадқиқот усулларини ишлаб чиқиш, алгоритмини яратиш ҳамда фазовий ва текис моделлар ёрдамида олинган натижаларни таққослаш орқали, тўғонлар учун ҳисоб моделини танлаш бўйича тавсия ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

- грунтли тўғонларнинг реал геометрияси ва конструктив бир жинссизлигини ҳисобга олган ҳолда уларнинг кучланганлик деформация ҳолатлари ва мустаҳкамлигини баҳолашнинг текис ва фазовий математик моделларини такомиллаштириш;

- текис ва фазовий математик моделлар ёрдамида грунтли тўғонларнинг кучланганлик деформация, динамик ҳолатлари ва мустаҳкамлигини Abaqus CAE дастурий таъминоти ёрдамида ҳисоблаш усули ва алгоритмини такомиллаштириш;

- конструктив тузилиши, геометрик ўлчамлари бўйича бир-биридан фарқ қилувчи грунтли тўғонларни танлаш, уларнинг кучланганлик деформация ҳолатлари ва мустаҳкамлигини иншоотнинг хусусий оғирлиги ва сув омборидаги сувнинг тўғонга кўрсатадиган гидростатик босимини ҳисобга олган ҳолда текис ва фазовий моделлар ёрдамида баҳолаш;

- грунтли тўғонларнинг кучланганлик деформация ҳолатларини ва мустаҳкамлигини ҳисоблашнинг мақбул (текис ёки фазовий) моделини танлаш;

- грунтли тўғонларнинг мустаҳкамлигини мустаҳкамликнинг энергетик назарияси ёрдамида баҳолаш асосини ишлаб чиқиш;

- грунтли тўғонларнинг динамик характеристикаларини текис ва фазовий моделлар ёрдамида аниқлаш;

- олинган натижаларни таҳлил қилиш ва янги механик эффектларни аниқлашдан иборатдир.

**Тадқиқот объекти** сифатида Республикамиз ҳудудида қурилган Ҳисорак, Сох ва Пачкамар сув омборларининг грунтли тўғонлари олинган.

**Тадқиқот предмети.** Статик кучлар таъсирида грунтли тўғонларда содир бўладиган деформацияланиш жараёнларини ифодаловчи механиканинг умумий қонунлари, мумкин бўлган кўчиш принципига асосланган Лагранжнинг вариацион тенгламаси, Даламбер принципи ҳамда чекли элементлар усули, бир жинсли ва бир жинсиз алгебраик тенгламаларни ечиш усулларидадан фойдаланилган.

**Тадқиқот усуллари.** Тадқиқот ишларида деформацияланиш жараёнларини ифодаловчи механиканинг умумий қонунлари, мумкин бўлган кўчиш принципига асосланган математик моделлар, ҳисоблаш ишларини бажариш учун чекли элементлар усули (ЧЭУ) ва бир жинсли ва бир жинсиз алгебраик тенгламалар системасини ечиш усулларидадан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

- сув омборлари грунтли тўғонларининг конструктив бир жинсизлигини ҳисобга олган ҳолда турли кучлар таъсирида иншоотларнинг кучланганлик деформация ҳолатлари ва мустаҳкамлигини баҳолашнинг текис ва фазовий математик моделлари такомиллаштирилиб, Abaqus CAE дастурий таъминотида ҳисоблаш усули ва алгоритми ишлаб чиқилган;

- конструктив тузилиши бўйича бир-биридан фарқ қилувчи учта грунтли тўғоннинг кучланганлик деформация ҳолатлари ва мустаҳкамлигини иншоотларнинг хусусий оғирлиги ва сув омборидаги сувнинг гидростатик босимини ҳисобга олган ҳолда текис ва фазовий моделлар ёрдамида баҳоланган;

- грунтли тўғонларнинг кучланганлик деформация ҳолатлари ва мустаҳкамлигини баҳолашда уларнинг конструктив тузилиши ва геометрик ўлчамларига кўра текис ёки фазовий моделда ҳисоблашнинг мақбул варианты таклиф этилган;

- грунтли тўғонларнинг бўйлама ва кўндаланг кесмлари ўлчамларига кўра тўғоннинг бўйлама узунликларининг ўртача қиймати  $L_{yp} = (L_0 + B_0) / 2$  ни

баландлиги  $H$  га нисбати  $\frac{L_{yp}}{H} < 4$  бўлганда фазовий модель асосида,  $\frac{L_{yp}}{H} \geq 4$

бўлганда эса текис моделдан ҳам фойдаланиш мумкинлиги асосланди;

- фазовий модель ёрдамида ҳар хил тўғонлар учун динамик характеристикалар олиниб, энергетик назария ёрдамида тўғоннинг мустаҳкамлиги паст жойлари аниқланган;

- фазовий модел ёрдамида тўғонларнинг кучланганлик ҳолатини хажмий кучлар таъсирига баҳолашда тўғон танасининг баъзи жойларида ҳосил бўлиши мумкин бўлган чўзилиш деформациялари аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** қуйидагилардан иборат:

- грунтли тўғонларнинг кучланганлик деформация ҳолатлари ва мустаҳкамлигини баҳолашнинг фазовий модели ва Abaqus CAE дастури ёрдамида юқори аниқликда натижалар олиш имконияти яратилган;

- грунтли тўғонларининг хусусий оғирлиги ва сув омборининг гидростатик босими таъсирида кучланганлик деформация ҳолатлари текис ва фазовий моделларда баҳоланиб, ҳар бир тўғон учун ҳисоблаш моделини танлаш бўйича тегишли тавсиялар ишлаб чиқилган;

- тўғонларнинг конструктив хусусиятлари, ҳақиқий геометрик ўлчамлари, грунтларнинг физик-механик хусусиятлари ҳамда сувнинг гидростатик босимни ҳисобга олган ҳолда ҳар бир грунтли тўғон учун текис ёки фазовий модель ёрдамида ҳисоб ишларини бажариш бўйича тавсиялар берилган;

- грунтли тўғонларнинг мустаҳкамлигини аниқроқ баҳолаш учун мустаҳкамликнинг энергетик назарияси қўллаш тавсия қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги.** Олинган тадқиқот натижаларининг ишончилиги такомиллаштирилган текис ва фазовий моделларнинг адекватлиги, ҳисоблаш усуллари, алгоритми, ЭХМ дастури ва Abaqus дастурий таъминотини бир қатор тест масалаларини аниқ ва сонли ечимлари билан таққослаш орқали тасдиқланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ҳозирда фойдаланишда бўлган грунтли тўғонларнинг кучланганлик-деформацияланиш ва динамик ҳолатлари ҳамда мустаҳкамлигини баҳолаш ва олдиндан аниқлаш учун иншоотнинг конструктив бир жинссизлигини ва сув омборининг гидростатик босимини ҳисобга олган ҳолда баҳолаш учун текис ва фазовий математик моделлар, ҳисоблаш усуллари ва алгоритмини ишлаб чиқилганлиги ҳамда лицензияланган Abaqus дастурий таъминотидан фойдаланилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти келгусида қуриладиган грунтли тўғонларнинг реал геометрияси, конструктив бир жинссизлигини ҳисобга олган ҳолда статик ва динамик кучлар таъсирида тўғонни кучланганлик-деформацияланиш, динамик ҳолатларини текис ва фазовий моделлар ёрдамида баҳолаш ҳамда мустаҳкамликнинг энергетик назарияси ёрдамида иншоотларнинг мустаҳкамлиги таъминланмаган участкаларини олдиндан аниқлаш имконияти яратилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Грунтли тўғонларнинг фазовий кучланганлик ҳолатлари ва динамик тавсифларини баҳолаш бўйича олинган натижалар асосида:

грунтли тўғонларнинг кучланганлик деформацияланиш ҳолатларини баҳолашнинг ҳисоблаш усули "Ҳисорак ГЭС" унитар корхонасида жорий этилган (Сув хўжалиги вазирлигининг 2022 йил 20 августдаги (GE11666258) маълумотномаси). Натижада, грунтли тўғонларнинг кучланганлик деформация ҳолатлари, мустаҳкамлигини баҳолаш имконияти яратилган;

грунтли тўғонларнинг мустаҳкамлик ҳолатларини баҳолашнинг математик модели, ҳисоблаш усули "Қашқадарё вилояти Сув омборларидан фойдаланиш бошқармаси"да жорий этилган Сув хўжалиги вазирлигининг

2022 йил 20 августдаги (GE11666258) маълумотномаси). Натижада, грунтли тўғонларнинг мустаҳкамлигини баҳолаш имконини беради;

грунтли тўғонларнинг хусусий тебраниш частоталари ва тебраниш шакллари аниқлаш бўйича таклиф қилинган математик модель, ҳисоблаш усули «Гидропроект» акциядорлик жамиятида жорий этилган (Сув хўжалиги вазирлигининг 2022 йил 20 августдаги (GE11666258) маълумотномаси). Натижада, грунтли тўғонларнинг кучланганлик деформация ҳолатлари, мустаҳкамлигини баҳолаш имконияти яратилган.

#### **Тадқиқот натижаларининг апробацияси.**

Тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

#### **Тадқиқот натижаларини эълон қилиниши.**

Диссертация мавзуси бўйича жами 10 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.


**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертациянинг таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 125 бетни ташкил этган.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш қисмида** диссертация мавзусининг долзарблиги ва аҳамияти асосланган. Тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган ҳамда тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган. Муаммонинг ўрганилганлик даражаси ва мавзунинг ИТИ режаларига узвий боғлиқлиги, тадқиқотни олиб ориш услублари, илмий янгилиги, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамиятлари баён этилган. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги асосланган ва жорий қилинганлиги, нашр қилинган илмий ишлар, ҳамда диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертация ишининг **“Статик кучлар таъсирида грунтли тўғонларнинг текис деформацияланиш ва кучланганлик ҳолатларини баҳолаш”** деб номланган биринчи бобида, Ўзбекистон Республикаси худудида жойлашган Ҳисорак, Сох ва Пачкамар каби грунтли тўғонларнинг кучланганлик – деформацияланиш ҳолатларини уларнинг хусусий оғирлиги ва сув омборидаги сувнинг гидростатик босимини ҳисобга олган ҳолда, текис деформация ҳолатида баҳолаш қаралган. Грунтли тўғонларнинг кучланганлик-деформацияланиш ҳолатини баҳолаш бўйича текис кўринишдаги математик модель, ҳисоблаш усули ва алгоритми келтирилган ва уларнинг адекватлиги ва ишончлилигини аниқ аналитик ечимга эга бўлган қатор тест масалаларини ечиш ва натижаларни таққослаш орқали асосланган.

Грунтли тўғон учун текис деформация ҳолатида бир жинсиз система сифатида математик моделни тузиш учун сув омборидаги сув билан ўзаро таъсирда бўлган ва  $V=V_1+V_2+V_3$  ҳажми эгаллаган деформацияланувчи жисмни қараймиз (1-расм). Математик моделни тузишда албатта бу системанинг мураккаб геометрик тузилиши ва конструктив бир жинсизлик хусусиятлари инобатга олинди ва тизимни ташкил қилувчи элементлар орасидаги кўчишлар узлуксиз деб қаралади. Қаралаётган система асосига  $\Sigma_u$  абсолют биқир қилиб маҳкамланган. Системанинг  $\Sigma_1$  – юқори бьефи юзасининг  $S_p$  қисмига сувнинг гидростатик босими  $\vec{p}$  таъсир қилиб,  $\Sigma_2$  – тўғон юқори қисми (гребн) ва  $\Sigma_3$  – тўғон пастки бьефи юзалари кучланишлардан холи деб қаралди.



**1-расм. Грунтли тўғоннинг текис модели.**  
 $V_1, V_3$  - таянч призмалар,  $V_2$  - тўғон ядроси

Статик кучлар  $\vec{p}$  ва  $\vec{f}$  (масса кучлари) таъсири остида бўлган бир жинсиз текис система  $V=V_1+V_2+V_3$  да содир бўладиган кўчиш, деформация ва кучланишни аниқлаш талаб қилинади. Бу ерда,  $L$  - кўндаланг кесим бўйича тўғон асосининг узунлиги;  $H$  - тўғон баландлиги;  $h$  – тўғонга таъсир этаётган сув сатҳи;  $b$  - тўғон гребенининг кенлиги;  $m_1, m_2$  - юқори ва қуйи бьефлар қияликлари;  $m_{1\text{яд}}, m_{2\text{яд}}$  – тўғон ядросининг қияликларини ифодалайди.

Статик кучлар таъсирида бўлган текис системада (1-расм) содир бўладиган жараёнларни баҳолаш учун мумкин бўлган кўчиш принципага асосланган қуйидаги вариацион тенглама ва кинематик чегаравий шартдан фойдаланамиз:

$$\delta A = - \int_{V_1} \sigma_{ij} \delta \varepsilon_{ij} dV_1 - \int_{V_2} \sigma_{ij} \delta \varepsilon_{ij} dV_2 - \int_{V_3} \sigma_{ij} \delta \varepsilon_{ij} dV_3 +$$

$$+ \int_{V_1} \vec{f} \delta \vec{u} dV_1 + \int_{V_2} \vec{f} \delta \vec{u} dV_2 + \int_{V_3} \vec{f} \delta \vec{u} dV_3 + \int_{S_p} \vec{p} \delta \vec{u} dS = 0, \quad i, j = 1, 2 \quad (1)$$

$$\vec{x} \in \sum_u: \quad \vec{u} = 0; \quad \delta \vec{u} = 0, \quad (2)$$

Бу вариацион тенгламада кучланиш ва деформация тензорларини ўзаро боғлиқлигини ифодалашда куйидаги умумлаштирилган Гук қонунидан фойдаланилади, яъни:

$$\left. \begin{aligned} \sigma_{11} &= \frac{E_n(1-\nu_n)}{(1+\nu_n)(1-2\nu_n)} \varepsilon_{11} + \frac{\nu_n E_n}{(1+\nu_n)(1-2\nu_n)} \varepsilon_{22}; \\ \sigma_{22} &= \frac{E_n(1-\nu_n)}{(1+\nu_n)(1-2\nu_n)} \varepsilon_{22} + \frac{\nu_n E_n}{(1+\nu_n)(1-2\nu_n)} \varepsilon_{11}; \\ \sigma_{12} &= \frac{E}{2(1+\nu_n)} \varepsilon_{12}. \end{aligned} \right\} \quad (3)$$

Шу каби деформация тензорлари билан кўчиш векторлари ўртасидаги боғланишни куйидаги Коши муносабатлари орқали ифодаланади:

$$\varepsilon_{11} = \frac{\partial u_1}{\partial x_1}; \quad \varepsilon_{22} = \frac{\partial u_2}{\partial x_2}; \quad \varepsilon_{12} = \frac{\partial u_1}{\partial x_2} + \frac{\partial u_2}{\partial x_1} \quad (4)$$

Сувнинг гидростатик босими эса куйидаги формула бўйича аниқланади

$$p = \rho_o g (h - x_2), \quad (5)$$

Бу ерда  $\vec{u}, \varepsilon_{ij}, \sigma_{ij}$  - мос равишда кўчиш векторлари, деформация ва кучланиш тензорларининг компонентлари;  $\delta\vec{u}, \delta\varepsilon_{ij}$  - кўчиш ва деформациянинг изохрон вариацияси;  $E_n$  - юнг модули;  $\nu_n$  - пуассон коэффиценти;  $\vec{f}$  - масса кучларининг вектори;  $\vec{p}$  -  $S_p$  сиртга таъсир қилувчи сувнинг гидростатик босими;  $\rho_o$  - сувнинг зичлиги,  $(h-x_2)$  - тўғоннинг босимли юзаси нуқтасини сув сатҳидан чуқурлигини билдиради;  $\vec{u} = \{u_1, u_2\} = \{u, v\}$  - тўғон нуқталарининг кўчиш вектори компонентлари;  $\vec{x} = \{x_1, x_2\} = \{x, y\}$  - тўғон нуқталарининг координаталари; текис масалани ечишда  $i, j$  индекслар  $i, j=1, 2$  га тенг бўлади.

Ушбу текис модель ёрдамида ифодаланган, статик кучлар  $\vec{f}$  ва  $\vec{p}$  таъсири остида бўлган ва (2) чегаравий шартларни ҳисобга олиб, (1)-вариацион тенглама ва (3), (4) муносабатларни ихтиёрий мумкин бўлган кўчиш  $\delta\vec{u}$  ларда қаноатлантирувчи системанинг ихтиёрий нуқталарида ҳосил бўладиган кўчиш, деформация ва кучланиш тензорларини топиш талаб қилинади.


Юқоридаги математик модель орқали ифодаланган бир жинссиз текис система учун қўйилган статик масалани ечиш учун чекли элементлар усулини қўллаймиз.

Қўйилган мураккаб вариацион масалани ечиш учун чекли элементлар усули (ЧЭУ) процедурасини қўллаш натижасида текис система эгаллаган соҳалар учун (1) - (4) вариацион тенглама ва муносабатлардан юқоридаги математик моделга эквивалент бўлган юқори тартибли бир жинссиз алгебраик тенгламалар ситемасига келтирилади:

$$[K]\{u\} = \{P\} \quad (6)$$

Бу ерда,  $[K]$  - қаралаётган система учун бикрлик матрицаси;  $\{u\}$  - тугунлардаги изланаётган кўчишлар;  $\{P\}$  - чекли элементлар тугунларига таъсир қилувчи ташқи кучлар (масса кучлари, сувнинг гидростатик босими ва ҳ.к.). (б) тенгламалар системаси Гаусс усули ёрдамида ечилади.

Юқорида келтирилган математик модель, ҳисоблаш усули ва алгоритмидан фойдаланиб, Ҳисорак, Сох ва Пачкамар грунтли тўғонларнинг хусусий оғирлиги ва сув омборининг турли сатҳларда тўлдирилишидан ҳосил бўладиган гидростатик босим таъсиридаги деформацияланиш ва кучланганлик ҳолатлари тадқиқ қилинди. Қаралаётган тўғонларнинг таналарида ҳосил бўладиган  $u_1$ ,  $u_2$  кўчишлар ва кучланиш тензорлари  $\sigma_{11}$ ,  $\sigma_{22}$ ,  $\sigma_{12}$  нинг қийматлари аниқланиб, тегишли изочизиклари курилди (2-расм).



**2-расм. Ҳисорак грунтли тўғонининг хусусий оғирлиги (а) ва сув омборини тўла (б) тўлдирилиши таъсиридаги кучланганлик ҳолатининг тенг тақсимланиш изочизиклари**


Олинган натижалар таҳлилига кўра, статик кучлар таъсирида грунтли тўғонлар танасидаги  $\sigma_{11}$ ,  $\sigma_{22}$  нормал кучланишлар тўғон ядросининг марказига нисбатан деярли симметрик характерга эга бўлиши ва унинг қиймати тўғоннинг юқори қисмидан асосига қараб ортиб бориши, ҳамда  $\sigma_{22}$  вертикал кучланишнинг қиймати ядро ва унинг атрофида камайиши аниқланди.

Сувнинг гидростатик босими тўғондаги  $\sigma_{11}$ ,  $\sigma_{22}$  ва  $\sigma_{12}$  кучланишларни тўғон танаси бўйича тақсимланиш характерини мутлоқ ўзгартириб, кучланишларнинг деярли симметрик тақсимланиш кўринишини тўла йўқолишига олиб келади. Бу ҳолатда тўғондаги  $\sigma_{11}$  кучланишлар қиймати 1.5-2 баробаргача ортиши кузатилади, вертикал  $\sigma_{22}$  кучланишларнинг қиймати эса юқори таянч призмада нишабликка яқин жойлашган қисмларида 2 баробаргача ошиши ва унинг қиймати ядро ва унинг атрофида камайиб “арка

самараси” ни пайдо қилиши аниқланди. Сувнинг гидростатик босими таъсирида бўлган грунтли тўғон танасининг кучланганлик ҳолати сув омборининг тўлдирилиш даражасига боғлиқ бўлиб, сув омбори нормал димланган сатҳда тўлдирилганда энг катта таъсир этиши кўрсатилди.

Диссертация ишининг “Статик кучлар таъсирида грунтли тўғонларнинг фазовий кучланганлик-деформацияланиш ҳолатларини баҳолаш” деб номланган иккинчи бобда, тадқиқот объекти сифатида олинган Ҳисорак, Сох ва Пачкамар грунтли тўғонларининг кучланганлик – деформацияланиш ҳолатларини уларнинг хусусий оғирлиги ва сув омборидаги сувнинг гидростатик босимини ҳисобга олган ҳолда фазовий ҳолатда баҳолаш бўйича тадқиқот ишлари амалга оширилди. Олинган натижалар асосида ҳар бир тўғоннинг деформацияланиш ва кучланганлик ҳолатлари баҳоланиб, 1-бобда текис модель ёрдамида олинган натижалар билан ўзаро солиштириш асосида ҳар бир тўғон учун ҳисоб моделини танлаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди.

Қўйилган масала учун фазовий (уч ўлчовли) ҳолатда бир жинсиз системанинг математик моделини тузишда сув омборидаги сув билан ўзаро таъсирда бўлган ва  $V=V_1+V_2+V_3$  ҳажми эгаллаган деформацияланувчи жисми қараймиз (3-расм). Бу  $V$  ҳажми эгаллаган бир жинсиз система грунтли тўғоннинг моделини ўзида акс эттиради. Математик моделни тузишда албатта бу фазовий системанинг мураккаб геометрик тузилишини ва конструктив бир жинсизлик хусусиятларини инобатга олиш талаб қилинади. Бу ерда,  $V_1$ ,  $V_3$  тўғоннинг таянч призмалари,  $V_2$  тўғон ядроси. Бу ҳажмларнинг ҳар бирининг материаллари турли механик характеристикаларга эга бўлган ягона бир жинсиз деформацияланувчи системани ташкил қилади. Қаралаётган системанинг асоси  $\Sigma_4$  абсолют қаттиқ асосга қўзғалмас қилиб маҳкамланган. Системанинг  $\Sigma_1$  – юқори бьефи юзасининг  $S_p$  қисми сувнинг гидростатик босими  $\vec{p}$  остида бўлиб,  $\Sigma_2$  – тўғон юқори қисми (гребн) ва  $\Sigma_3$  – тўғон пастки бьефи юзалари кучланишлардан холи ҳолатда.  $V_1$ ,  $V_2$ ,  $V_3$  ҳажмларни ўзаро ажратиб турувчи юзаларда кўчиш компонент векторлари ва кучланиш тензорларини узлуксиз деб қабул қиламиз.



3-расм. Бир жинсиз деформацияланувчи фазовий система модели

Бунда ҳам статик кучлар  $\vec{p}$  ва  $\vec{f}$  таъсири остида бўлган бир жинссиз фазовий система  $V$  да содир бўладиган кўчиш, деформация ва кучланиш майдонини аниқлаш талаб қилинади. Бу системанинг  $\Sigma_4^{\cdot}$ ,  $\Sigma_4^{\ddot{\cdot}}$  - юзалари тўғоннинг қоя билан бириккан юзаси,  $L_0$ - тўғон юқори қисмининг узунлиги;  $L$  - кўндаланг кесим бўйича тўғон асосининг узунлиги;  $b$  - тўғон гребни кенглиги;  $B_0$  – тўғон асосининг бўйлама узунлиги;  $m_1, m_2$  – юқори ва қуйи бьефлар қиялиги;  $m_{1\text{яд}}, m_{2\text{яд}}$  – тўғон ядросининг қияликларини ифодалайди.

Уч ўлчовлик системада содир бўладиган жараёнларни баҳолаш учун мумкин бўлган кўчиш принципага асосланган, қуйидаги вариацион тенглама ва кинематик чегаравий шартдан фойдаланамиз:

$$\delta A = - \int_{V_1} \sigma_{ij} \delta \varepsilon_{ij} dV - \int_{V_2} \sigma_{ij} \delta \varepsilon_{ij} dV - \int_{V_3} \sigma_{ij} \delta \varepsilon_{ij} dV + \quad (7)$$

$$+ \int_V \vec{f} \delta \vec{u} dV + \int_{S_p} \vec{p} \delta \vec{u} dS = 0.$$

$$\vec{x} \in \Sigma_4^{\cdot} + \Sigma_4^{\ddot{\cdot}} + \Sigma_4^{\text{'''}}: \quad \vec{u} = 0. \quad (8)$$

Фазовий ҳолатда математик моделни тўла ифодалаш учун бу тенгламаларга умумлашган Гук қонуни ва Коши муносабатларини қўшамиз, яъни:

$$\left. \begin{aligned} \sigma_{11} &= \lambda \theta + 2\mu \varepsilon_{11} & \sigma_{12} &= \mu \varepsilon_{12}, \\ \sigma_{22} &= \lambda \theta + 2\mu \varepsilon_{22}, & \sigma_{23} &= \mu \varepsilon_{23}, \\ \sigma_{33} &= \lambda \theta + 2\mu \varepsilon_{33}, & \sigma_{31} &= \mu \varepsilon_{31}. \end{aligned} \right\} \quad (9)$$

$$\theta = \varepsilon_{11} + \varepsilon_{22} + \varepsilon_{33}, \quad \lambda = \frac{E\nu}{(1+\nu)(1-2\nu)}, \quad \mu = \frac{E}{2(1+\nu)}.$$

$$\left. \begin{aligned} \varepsilon_{11} &= \frac{\partial u_1}{\partial x_1}, & \varepsilon_{12} &= \frac{\partial u_1}{\partial x_2} + \frac{\partial u_2}{\partial x_1}, \\ \varepsilon_{22} &= \frac{\partial u_2}{\partial x_2}, & \varepsilon_{23} &= \frac{\partial u_2}{\partial x_3} + \frac{\partial u_3}{\partial x_2}, \\ \varepsilon_{33} &= \frac{\partial u_3}{\partial x_3}, & \varepsilon_{31} &= \frac{\partial u_3}{\partial x_1} + \frac{\partial u_1}{\partial x_3}. \end{aligned} \right\} \quad (10)$$

Бу ерда  $\lambda$  ва  $\mu$  – Ламэ доимийлари;  $\theta = \varepsilon_{kk}$  - ҳажмий деформация;  $\vec{u} = \{u_1, u_2, u_3\} = \{u, v, w\}$  - кўчиш вектори компонентлари;  $\vec{x} = \{x_1, x_2, x_3\} = \{x, y, z\}$  - тўғон нуқталарининг координаталари; фазовий масалани ечишда  $i, j, k$  индекслар  $i, j, k=1, 2, 3$  га тенг бўлади.

Юқоридаги математик модель орқали ифодаланган бир жинссиз фазовий система учун қўйилган статик масалани ечиш учун чекли элементлар усулидан фойдаланамиз. Бунда эркинлик даражаси 12 га тенг бўлган тетраэдр элементи қўлланилади.

Чекли элементлар процедурасини қўллаш натижасида текис ва фазовий система эгаллаган соҳалар учун (7)-(10) вариацион тенглама ва

муносабатлардан юқоридаги математик моделга эквивалент бўлган юқори тартибли бир жинссиз алгебраик тенгламалар ситемасига келтирилди:


$$[K]\{u\} = \{P\} \quad (11)$$

Бу ерда,  $[K]$  - бикрлик матрицаси;  $\{u\}$  - элемент тугунларидаги изланаётган кўчишлар;  $\{P\}$  - чекли элементлар тугунларига таъсир қилувчи ташқи кучлар.


Текис ва фазовий масалаларни ечишда муаллиф томонидан ишлаб чиқилган ЭХМ дастури ва жаҳон миқёсида қўлланиб келинаётган лицензияланган ABAQUS дастурий таъминотидан фойдаланилди.

Юқорида келтирилган математик модель ва ABACUS дастурий таъминотидан фойдаланиб Ҳисорак, Сох ва Пачкамар грунтли тўғонларининг хусусий оғирлиги ва сувнинг гидростатик босими таъсиридаги деформацияланиш ва кучланганлик ҳолатлари фазовий модель ёрдамида текширилди. Тадқиқотлар икки вариантда: яъни, биринчи вариантда - сув омбори бўш бўлган ҳолат учун ва иккинчи вариантда эса – сув омбори тўла тўлдирилган ҳолат учун амалга оширилди.

Грунтли тўғонларда хусусий оғирлик кучи ва гидростатик босим таъсирида пайдо бўладиган  $u_1, u_2, u_3$ -кўчишлар, деформация  $\epsilon_{11}, \epsilon_{22}, \epsilon_{33}, \epsilon_{12}=\epsilon_{21}, \epsilon_{23}=\epsilon_{32}, \epsilon_{31}=\epsilon_{13}$  ва кучланиш компонентлари  $\sigma_{11}, \sigma_{22}, \sigma_{33}, \sigma_{12}=\sigma_{21}, \sigma_{23}=\sigma_{32}, \sigma_{31}=\sigma_{13}$  аниқланди ҳамда уларнинг тўғон танаси бўйича тенг тақсимланиш изомайдонлари қурилди (4 - б-расмлар) ва натижалар таҳлил этилиб, текис деформация кўринишда олинган натижалар билан солиштирилди.



**4-расм. Ҳисорак (тепада), Сох (ўртада) ва Пачкамар (пастда) тўғонларининг бўйлама кесимларида хусусий оғирлик таъсирида фазовий ҳолатда ҳосил бўладиган  $u_2$  вертикал (а) ва  $u_3$  бўйлама (б) кўчишларнинг изомайдонлари**




**5-расм. Хусусий оғирлик таъсиридаги Ҳисорак (а) ва Сох (б) тўғонларининг ўрта кўндаланг ва бўйлама кесимларидаги фазовий деформацияланиш ҳолатидаги кўчиш изомайдонларни тақсимланиши:  $u_1$  - кўндаланг,  $u_2$  – вертикал ва  $u_3$  – бўйлама кўчишлар**

Олинган натижаларга кўра, Ҳисорак тўғонининг бўйлама кесимидаги вертикал  $u_2$  - кўчишнинг кесим бўйича тақсимланиши, Сох ва Пачкамар тўғонларига нисбатан бошқача характерда бўлиши кузатилди (4-расм). Барча тўғонларда  $u_2$  - кўчишларнинг қиймати тўғон асосидан тепага қараб ортиб бориши ва уларнинг қиймати тўғонларнинг баландлигига боғлиқ бўлиши аниқланди. Ҳисорак тўғонида кўчишларни тўғон ўртасидан чап ва ўнг қирғоқларга томон кескин ўзгариши кузатилди. Барча тўғонларнинг чап ва ўнг қирғоқлари атрофида бўйлама кўчишларнинг қийматлари кескин ортиб боради.

Фазовий ва текис кўринишлардаги деформацияланиш ҳолатлари солиштирилганда Ҳисорак тўғонида  $u_1$  - кўчишларнинг тўғоннинг ўрта кўндаланг кесимида тақсимланиш қонунияти бир-биридан катта фарқ қилиши аниқланди (5-расм). Текис ҳолатда тўғоннинг юқори қисми нишабликларидаги катта миқдорда пайдо бўладиган кўчишлар фазовий ҳолатда кузатилмайди. Вертикал  $u_2$  кўчишларнинг кўндаланг кесим бўйича тақсимланиш қонунияти бир-бирига яқин бўлиб, миқдор жиҳатидан фазовий ҳолатда 10 фоизгача камайиши кузатилди. Ҳисорак тўғонининг ўртасида  $u_3$  кўчишларнинг қиймати деярли нолга тенг бўлиб, чап ва ўнг қирғоқ томон уларнинг қиймати катталашиб боради. Бу ҳолатни Ҳисорак тўғони тор ўзанда жойлашганлиги ва ўнг ва чап қирғоқларни тўғон ўрта кўндаланг кесимининг деформацияланиш ҳолатига фаол таъсир этиши билан изоҳланади.

Олинган натижаларга кўра, фазовий ҳолатда тадқиқот олиб борилганда Ҳисорак тўғони танасида (6-расм) ҳосил бўлувчи  $\sigma_{11}$  кучланишлар қийматини тўғоннинг ўрта кўндаланг кесимидаги тақсимланишидаги тахминан

